



ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 апрель куни Жанубий Қозоғистон вилоятига ташриф буюрди ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаев билан амалий учрашув ўтказди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорлик яхши қўшничилик, қардошлик ва ўзаро ҳурмат руҳида изчил ривожланмоқда. Ўзаро алоқалар барча соҳаларда фаоллашмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 22-23 март кунлари Қозоғистонга давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда янги саҳифалар очди. Ушбу ташриф чоғида имзоланган ҳужжатлар ва эришилган келишувлар изчил амалга оширилмоқда.

Жанубий Қозоғистон вилоятидаги учрашувда Президентимизнинг шу йил март ойида Қозоғистонга давлат ташрифи давомида мамлакатларимиз ўртасида эришилган келишувларни амалга ошириш жараёни муҳокама қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўзаро учрашувлар мунтазамлик касб этгани давлатлараро муносабатлар самарадорлигини янада оширишда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

— Жорий йил март ойидаги Қозоғистонга ташрифимиздан сўнг ўзаро ҳамкорлигимизнинг барча йўналишлари

ри бўйича "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқдик. Вазирлар ва ҳудудлар раҳбарларининг учрашувлари фаоллашди, — деди давлатимиз раҳбари.

Президент Нурсултон Назарбаев олдинги учрашувдан кейин мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар янада фаоллашганини қайд этди.

— Шу йилнинг биринчи чорагида иқтисодиётнинг турли тармақларида амалий алоқалар сезиларли даражада ошди. Транспорт-логистика, автосаноат соҳаларидаги ва ҳудудлараро ҳамкорликни алоҳида таъкидлаш жоиз. 2017 йилнинг дастлабки уч ойида ўзаро товар айирбошлаш 37 фоиз кўпайди, — деди Қозоғистон Президенти.

Президент Шавкат Мирзиёев Президент Нурсултон Назарбаевга ушбу учрашув учун самимий миннатдорлик изҳор этди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон — Қозоғистон ҳамкорлигидаги ижобий сўрашлар барқарор сақланиши ва янада ривожланишига ишонч билдирдилар.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзаро келишувга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедов ўртасида 1 май куни телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари Президентимизнинг шу йил 6-7 март кунлари Туркменистонга давлат ташрифи чоғида эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатларни амалга ошириш жараёнини муҳокама қилдилар.

Томонлар сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар соҳалар бўйича юксак даражадаги алоқалар изчил ривожланиётганини мамнуният билан қайд этдилар.

Бугунги кунда агросаноат комплексидаги, темир йўл тизимини таъмирлаш ва модернизация қилиш ва бошқа соҳалардаги савдо шартномалари ва қўшма кооперация лойиҳалари кенг қўламда амалга оширилмоқда.

Давлат раҳбарлари белгиланган дастурлар ва ҳамкорлик лойиҳаларини, авваламбор, иқтисодий соҳадаги лойиҳаларни ўз вақтида амалга ошириш мақсадида янада фаол ҳамкорлик қилиш муҳимлигини таъкидладилар.

Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан атрофича фикр алмашилди, шунингдек, яқин истиқболдаги қўшма тадбирлар жадвали келишиб олинди.

Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедов қардош Ўзбекистон халқига эзгу истакларини билдирди.

Суҳбат Ўзбекистон — Туркменистон муносабатларида хос самимий ва дўстона, ўзаро англашув, ҳурмат ва яқин қўшничилик руҳида ўтди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН СТАНДАРТЛАШТИРИШ, МЕТРОЛОГИЯ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш тизими янада такомиллаштириш, халқаро стандартларни ва техник регламентларни тизимли жорий этиш, Ўзбекистон Республикаси Миллий эталонлар базасини ривожлантириш асосида маҳаллий маҳсулотларнинг рақобатдошлигини ошириш, шунингдек, "Ўзстандарт" агентлигининг тузилмасини халқаро талабларга мувофиқлаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг устувор вазифалари ва йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

а) маҳаллий маҳсулотларни ишлаб чиқаришда халқаро стандартлар ва техник регламентларни жадал жорий этиш орқали уларнинг замонавий талабларга мувофиқлигини таъминлаш ва ташқи бозорларда рақобатдошлигини ошириш; маҳсулот сифатини бошқаришнинг замонавий тизимларини биринчи навбатда экспорт қилувчи корхоналарда кенг жорий этиш ва саноат маҳсулотларини халқаро стандартларга мувофиқ сертификатлаштириш амалга ошириш;

б) экспорт қилувчи корхоналарга маҳсулотларни сертификатлаштириш масалаларида қулай шароитларни яратиш, миллий сертификатлар ва мувофиқликни баҳолаш ишлари натижалари асосий экспорт бозорларида тан олинishiга йўналтирилган халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни фаоллаштириш;

техник жиҳатдан тартибга солиш ва метрология тизимларини янада ривожлантириш, сотиладиган маҳсулотлар хавфсизлигини тизимли назорат қилишни таъминлашда уларнинг самарадорлигини ошириш;

замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига кўрсатиладиган интерактив давлат хизматлари турларини кенгайтириш;

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва аккредитация соҳаларида кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш.

2. "Ўзстандарт" агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ри-

вожлантириш давлат қўмитасининг:

а) "Республика синов ва сертификатлаштириш маркази" давлат корхонасини, унга:

"Тошкент шаҳар синов ва сертификатлаштириш маркази" давлат корхонасини қўшиш;

"Ўзстандарт" агентлиги марказий аппарати тузилмасидан чиқарилаётган Маҳсулотларни экспорт қилишга кўмаклашиш бюросини ўтказиш йўли билан қайта ташкил этиш;

б) "Ўзстандарт" агентлиги қошида:

"Ўзбекистон мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитация қилиш маркази" давлат корхонасини ("Ўзбекаккредитация" ДК) ташкил этиш;

"Миллий эталонлар маркази" давлат муассасаси, "Метрология хизматлари кўрсатиш маркази" давлат корхонасини ва "Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти" давлат муассасасининг метрологик бўлиналари негизида "Ўзбекистон миллий метрология институти" давлат корхонасини ("ЎЗММИ" ДК) ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

3. Қуйидагилар давлат корхоналари фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

а) "Ўзбекистон мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитация қилиш маркази" давлат корхонасининг:

мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этиши;

мувофиқликни баҳолаш органлари ва метрологик хизматларни халқаро стандартларга мувофиқ аккредитация қилиш, шунингдек, мувофиқликни баҳолаш органлари ва метрологик хизматлари томонидан белгиланган шартлар ва талаблар бажарилиши устидан инспекция назоратини амалга ошириш;

халқаро ва миллий аккредитация органлари билан фаол ҳамкорлик қилиш;

б) "Ўзбекистон миллий метрология институти" давлат корхонасининг:

Ўзбекистон Республикаси Миллий эталонлар базасини такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича чораларни амалга ошириш;

(Давоми 2-бетда)

САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғеи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашилари ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиялари аъзолари, ННТ ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Парламент комиссияси раиси А.Саидов ва бошқалар мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга қатъа эътибор қаратилётганини таъкидлади. Бу жараёнда оммавий ахборот воситаларининг роли кучайтирилиб, давлат бошқаруви органлари фаолияти очиклигини таъминлашнинг янги механизмлари жорий этилаётди.

Йиғилишда Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондидининг 2016 йилдаги фаолияти ва жорий йилнинг биринчи чорагида амалга оширган лойиҳа ва дастурлари ҳақида маълумот берилди. Ўтган йили ассоциация томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли ва аҳамиятини кучайтириш, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллигини ошириш ҳамда ННТларни услубий ва ҳуқуқий томондан қўллаб-қувватлашга қаратилган комплекс ахборот таҳлилий ва маънавий-маърифий ишлар амалга оширилган. Семинар-тренинглари, давра суҳбатлари, ҳисобот-сайлов ва илмий-амалий конференциялар, жамоат эшитувлари, тадқиқотлар ва бошқа қатор тадбирлар ўтказилган.

Йиғилишда Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси фаолияти танқидий таҳлил қилиниб, ишга солинмаган имкониятлар ва камчиликлар ҳақида айтиб ўтилди. Хусусан, жойлардаги муҳим ижтимоий, социал-иқтисодий масалаларни ҳал этишда маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ННТлар билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш масалалари долзарблигига қўлмоқда. Жойларда таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш борасида ННТ фаолларининг касб кўникмасини ошириш, уларнинг фаолиятини услубий, ахборот-ташқилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ишларини изчил амалга ошириш талаб этилади.

Йиғилишда Ҳаракатлар стратегияси ва "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурини амалга оширишда ННТлар, ОАВ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг фаол иштирокини таъминлаш бўйича бажариладиган вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда Парламент комиссияси фаолиятига тегишли бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Г.САТТОВА,
ЎЗА мухбири

ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ

Жаннатмонанд Ватанимизга, обод диёримизга ҳамиша байрамлар ярашади. Зеро тупроғи зар, халқи заргар юртимизнинг ҳар бир кунини бир ҳикмат, ҳар бир ойда эса гўзал ва нурафшон кунларнинг ёғдуси нур сочиб туради.



ФАВВОРАЛАР САЙЛИ

Анъанавий равишда нишонланиб келаётган фавворалар сайли ҳам ана шундай завқли, шоду хуррамлик ва эзгу ниятлар байрамга айланди.

Мана бир неча йилдирки ушбу байрам тарихий ва маданий хусусиятга эга чуқур маънони ўзида мужассам этган ҳолда юксак савияда, кенг қўламда нишонланади.

Кеча, пойтахтимиздаги 13 та фавворалар атрофида ёзувчи ва шоирлар, санъат аҳли, мусаввирлар, рақс ва театр гуруҳлари, танкичи хонандалар иштирокида оммавий-маданий тадбирлар, турли танловлар бўлиб ўтди.

Тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази, "Қамолот" ЁИХ, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва бир қатор идора ва ташкилотлар томонидан ташкил этилди.

Фавворалар нафақат кўп асрлик тарихимизнинг бир бўлаги, балки тинч ва осуда

хаётимиз, халқимиз фаровонлиги, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишларининг ёрқин ифодаси ҳамдир. Улар атрофида барча қулайликлар яратилгани боис бу ерга кексалар, ота-оналар, болажонлар ва ёшлар дам олиш учун келади. Бундай хушманзара жойларда ўқувчилар, талабалар учун сайёр дарслари ўтказилади, келин-куёвлар ва сайёҳлар суратга тушади.

— "Фавворалар сайли" миллий кадриятларимизни кадрлашга, мустақиллигимизни чин дилдан севадиган келажак авлодни тарбиялашга, жамиятимизда ўзаро ҳурмат ва ишонч руҳини, тинчлик-тотувлиқни мустаҳкамлаш, аҳолининг бўш вақтини мазмунли ўтказишга хизмат қилади, — дейди Учтепа туман маданият бўлими бошлиғи, маданият ва аҳоли дам олиш маркази раҳбари Ҳожиакбар Сафаров.

(Давоми 4-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастури ижроси доирасида Самарканд вилоятида ҳам "Президент эътибори — мурувват тадбирларида" шиори остида никоҳ ва суннат тўйлари ўтказилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Қасба уюмлари федерацияси, Самарканд вилояти ҳокимлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида Пай-

арикда Пайарик ва Кўшработ туманларидан 22 боланинг суннат тўйи тантанали нишонланди.

• Наманганда "Central Asia — 2017" Фан, таълим, маданият ва бизнесда интернет ва ахборот-кутубхона ресурслари XI Халқаро конференцияси бўлиб ўтди. Конференция доирасида мактаб кутубхонасида ахборот маданияти ва медиа саводхонлик асослари бўйича машғулотларни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари мавзусида машғулотлар ўтказилди. Мутахассислар томонидан илмий тадқиқотларни ахборот билан қўллаб-қувватлаш ва нашр этириш фаоллиги бўйича маҳорат дарси ўтказилди.

• Андижонда хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш, хотин-қизлар ўртасидаги жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини

олиш, бу борадаги мавжуд муаммоларни бартараф этишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.



• Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (UNWTO)нинг маълумотига кўра, Хитой аҳолиси чет эл саёҳатида чикувчи кишилар сони ва бу борадаги сарф-харажатлар бўйича дунёда етакчилик қилмоқда. Зеро, хитойликлар ўтган йили хориж саёҳати учун 261 миллиард доллар маблағ сарфлашган. Бу борада америкаликлар 122 миллиард доллар харажат билан иккинчи, Германия эса 81 миллиард доллар сарфлаган ҳолда учинчи ўринни эгаллашди.

• Uber компанияси 2020 йилда учувчи таксиларнинг фаолиятини йўлга қўйишни режалаштирмоқда.

